



UZBEK A1 – STANDARD LEVEL – PAPER 1
OUSZBEK A1 – NIVEAU MOYEN – ÉPREUVE 1
UZBECO A1 – NIVEL MEDIO – PRUEBA 1

Monday 10 May 2004 (afternoon)
Lundi 10 mai 2004 (après-midi)
Lunes 10 de mayo de 2004 (tarde)

1 hour 30 minutes / 1 heure 30 minutes / 1 hora 30 minutos

INSTRUCTIONS TO CANDIDATES

- Do not open this examination paper until instructed to do so.
- Write a commentary on one passage only. It is not compulsory for you to respond directly to the guiding questions provided. However, you may use them if you wish.

INSTRUCTIONS DESTINÉES AUX CANDIDATS

- N'ouvrez pas cette épreuve avant d'y être autorisé(e).
- Rédigez un commentaire sur un seul des passages. Le commentaire ne doit pas nécessairement répondre aux questions d'orientation fournies. Vous pouvez toutefois les utiliser si vous le désirez.

INSTRUCCIONES PARA LOS ALUMNOS

- No abra esta prueba hasta que se lo autoricen.
- Escriba un comentario sobre un solo fragmento. No es obligatorio responder directamente a las preguntas que se ofrecen a modo de guía. Sin embargo, puede usarlas si lo desea.

Қуйидаги қисмларнинг изоҳини берингиз.

1.(a)

Соғиниб

Қаттиқ тегма менга мунча, юзбошим.

Оқузма кўп ғамим узра кўз ёшим.

Юрак-бағрим ўзи ҳадсиз эзилган,

Юрту ватан, элларимни соғиниб.

5 Олти ойдур тушдим мундоғ ғурбатга¹
Сўйганларим ташлаб бирдан ғурқатга.²
Дилим қондур³ ширин ўғлон қизларим,
Муҳаббатлик дилбаримни соғиниб.

10 Рангим сомон янглиғ дард ила ғамдан
Жудолиғдан тушган ҳажру аламдан,
Тоқатим йўқ эслаб чидаб турарга,
Ака, сингил, жигаримни соғиниб.

15 Ўз юртимдан келдим қанча узоғлаб,
Билолмасдан кимдан элим сўроғлаб.⁴
Кундан-кунга ортар дарду ҳасратим,
Мунис⁵ аҳли дардларимни соғиниб.

Тушса ногоҳ қайси бири ёдимга,
Фалак титраб чин оҳ урсам додимга,

¹ ғурбат = Ўз ватаниндан узоқда қолишлик.

² ғурқат = айрилиқ, жудолик, ажралиш

³ дили қон = жуда сиқилган, эзилган, ғам-ҳасрат билан тўлган

⁴ сўроқламоқ = сўроб-сўроб қидирмоқ

⁵ мунис = дўст, ҳамдам

20 Босолмасдан кўнглим кетар дам-бадам,
Қари ота, модаримни⁶ а соғиниб.

Юртимдаги эсга тушиб
Жўраларим, жондан ортуқ ўртоқлар. чорбоғлар,
Бўтда⁷ ақлу ҳушсиз девона бўлғум,
Ўйнаб юрган кунларимни соғиниб.

25 Алалхусус⁸ тўй қилолмай ўғланам,
Кетарму деб юракда бу дармоним.
Кўлум ишга бормас, кўзимдан ўтса,
Ширин қизим – Раҳбаримни соғиниб.

30 Кўрмай ўсган эрдим қаттиқ меҳнатни,
Фалак солди нетай шўйла⁹ кулфатни.
Узоқ ўйлаб тунлар кўзим юммасман,
Фароғатлик тунларимни соғиниб.

35 Кўнгли синуқ мусофирман, қақшатма,
Бўлақларга мени асло ўхшатма,
Дилим кутар, хатлар ёзиб элимга,
Ўқисунлар, дафтаримни соғиниб.

40 Қачон озод бўлур, тангри бошимиз.
Ватан бориб қурур кўздан ёшимиз.
Кўп қатори¹⁰ раҳм айлагил¹¹ бу зора,
Адо бўлдим, элларимни соғиниб.

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий
1889 – 1929

⁶ модар = она

⁷ бўт = санам, маъшуқ

⁸ алалхусус = айниқса, хусусан

⁹ шўйла = шундай

¹⁰ кўп қатори = бошқалар каби

¹¹ айлагил = айланг, айлангиз

- Шоир бу шеърда не хил ҳис-ҳаяшон тўйғуларини кўрсатади?
- Фикрларини ўқувчиларга етказиб беришда шоир қандай поэтик техникадан фойдаланди ва бунинг теъсири нималарда кўринади?
- Шоир томонидан бу шеър учун қабул қилинган структура қай даражада эффе́ктив эди.
- Бу шеър сизларда қандай фикрларни уйғотди.

1.(b)

Бемор

Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Сотиболди касални ўқитди бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Бахши¹ ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб қонланади² ...
5 Буларнинг ҳаммаси, албатта, пул билан бўлади. Бундай вақтларда йўғон чўзилади, ингичка узилади.

Шаҳарда битта докторхона бор. Бу докторхона тўғрисида Сотиболдининг билганлари шу: салқин, тинч парда, дарахтлар ичига кўмилган баланд ва чиройли оқ иморат,
10 шиша қабзали кулранг эшигида қўнғироқ тугмаси бор. Чигит³ пўчоқ ва кунжара⁴ билан савдо қиладиган хўжайини Абдуғанибой омборда қулаб кетган қоплар остида қолиб ўладиган бўлганида бу докторхонага бормай Сим'га⁵ кетган эди. Докторхона деганда Сотиболдининг кўз олдига извош ва
15 оқ подшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келади.

Бемор оғирлашди. Сотиболди хўжайинининг олдига арзга борди, аммо бу боришдан муддаоси нима эканини аниқ билмас эди. Абдуғанибой унинг сўзини эшитиб кўп афсусланди, қўлидан келса ҳозир унинг хотинини оёққа
20 бостириб беришга тайёр эканини билдирди, кейин сўради:

- Девонаи Баҳоваддинга⁶ ҳеч нарса кўтардингми?
Ғавсулаъзамга-чи?

Сотиболди кетди. Беморнинг олдидан жилмаслик ва шу билан бирга тирикчилик учун хонаки бир касб қилишга

¹ Дуолар ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар қилиб даволовчи табиб.

² қонланмек < қонламоқ = Жонлик сўйиб, унинг қонини беморнинг баданига суркамоқ

³ Пахтанинг уруғи

⁴ Уруғ ёки мағизларнинг ёғи сиқиб олингандан кейинги қолдиги.

⁵ Фарғона шаҳри.

⁶ Баҳоуддин Нақшбанди, машхур бир авлиё одам.

25 мажбур бўлди — ҳар хил саватчалар тўқиш-ни ўрганди. У
эртадан кечгача офтобшувоқда гаврон-лар ичига кўмилиб
сават тўқийди. Тўрт яшар қизчаси қўлига рўмалча олиб,
онасининг юзини карахт, нимжон, хира пашшаларда қўрийди,
баъзан қўлида рўмолча, мукка тушиб уҳлаб қолади. Ҳаммаёқ
30 жим. Фақат пашша ғинғиллайди, бемор инқиллайди, ҳар
замон яқинроқда гадой товуши эшитилади “Ҳой дўст,
шайдулло баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули
худо...”

Бир кечаси бемор жудо азоб тортди. У ҳар ингра-ганда
35 Сотиболди чаккасига буров солинган кишидай талвасага
тушар эди. Қўшниси — бир кампирни ча-қирди. Камир
беморнинг тўзиган сочларини тузатди, у ёқ-бу ёғини силади,
сўнгра...ўтириб йиғлади.

- Бегуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат
40 бўлади, уйғотинг қизингизни! — деди.

Бола анчагача уйқу ғ ашлиги билан йиғлади, кейин
отасининг ғазабидан, онасининг аҳволидан қўрқиб кампир
ўргатганча дуо қилди.

- Худоё аямди дайдига даво бейгин⁷...

45 Бемор кундан-кун баттар, охири ўсал бўлди. Кўнгилга
армон бўлмасин деб “чилёсин” қилдириш- га ҳам тўғри
келди. Сотиболди тўқилган саватчала-рини улгуржи
оладиган баққолдан йигирма танга қарз кўтарди.
“Чилёсин”дан бемор тетик чиққандай бўлди, шу кечаси
50 ҳатто кўзини очиб, қизчасини ёнига тортди ва пичирлади.

- Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳига
қабул қилди. Дадаси, энди тузукман, қизимни саҳарлари
уйғотманг. Яна кўзини юмди, шу юмганича қайтиб очмади –

⁷ Қизчаларнинг талаффузи “аямнинг дардига даво бергин” жойида.

55 саҳарга бориб узилди. Сотиболди қизчасини ўлик ёнидан олиб, бошқа ёққа ётқизаётганда кизча уйғонди ва кўзини очмасдан одатдагича дуо қилди:

- Худоё аямди дайдига даво бейгин...

Абдулла Қаҳҳор
1907-1968

[Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан бири]

- Бемор кампир оиласининг аъзолари орасида мавжуд муносабат қай тарзда тасвирланади?
 - Ҳикояда автор ўқувчиларга не хил ҳақиқат кўрсатмоқчидир?
 - Темани етказиб бериш учун автор қай тарздаги режалар билан фойдаланмоқда?
 - Ҳикоянинг биринчи секциясидаги мақалнинг функцияси нима?
-